

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA'LIM
VAZIRLIGI
A.QODIRIY NOMLI
JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI**

Pedagogika – psixologiya fakul'teti

Defektologiya kafedrası

**LOGORITMIKA
fanidan**

KURS ISHI

**MAVZU: “ЛОГОПЕДИК РИТМИКАНИНГ ОБЪЕКТИ, ПРЕДМЕТИ ВА
ВАЗИФАЛАРИ.”**

BAJARDI:

**Xydarqulova Mehrinso
302 guruh talabasi**

RAHBAR:

o`qit X.Muzaffarova

J I Z Z A X – 2014

M U N D A R I J A

MAVZU: Логопедик ритмиканинг объекти, предмети ва вазифалари..

REJA:

KIRISH.....

1. ЛОГОРИТМИКАНИНГ МАКСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.....

2. РИВОЖЛАНИШИДА НУКСОНИ БОР БОЛАЛАР БИЛАН ОЛИБ
БОРИЛАДИГАН ЛОГОРИТМИК ИШЛАР

3. ТОВУШ ТАЛАФФУЗИ БУЗИЛГАН БОЛАЛАРДА КОРРЕКЦИОН ИШЛАР
БОСКИЧИ

XULOSA.....

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI.....

Мавзу: Логопедик ритмиканинг объекти, предмети ва вазифалари.

Режа.

1. Логоритмиканинг мақсади ва вазифалари.
2. Ривожланишида нуксони бор болалар билан олиб бориладиган логоритмик ишлар.
3. Товуш талаффузи бузилган болаларда коррекцион ишлар босқичи.

Логопедик ритмика курсининг **асосий мақсадлари** турли нутқ бузилишларига эга бўлган шахсларнинг умумий ва нозик моторикаси бузилишлари хусусиятлари, реабилитация методикалари тизимидаги логоритмик (муסיқали ритмик) тарбия тамойиллари ва усуллари ҳақида, шунингдек ҳаракат анализаторининг фаолияти ҳақида умумий тарздаги билим ва тушунчалар беришдан иборат.

Логопедик ритмиканинг вазифаси болалар нутқидаги камчиликларни коррекциялаш мақсадидаги муסיқа, ритм ва ҳаракат уйғунлигининг хусусиятлари ва ўзига хослиги ҳақидаги тасаввурлар, шахсни ривожлантириш ва тарбиялашда муסיқали ритмикадан фойдаланиш малакалари билан қуроллантиришдан иборат.

Логопедик ритмикада болаларда учрайдиган нутқий камчиликларнинг турли-туманлиги ва ўзига хос жиҳатларини; Нутқ, ҳаракат нуқсонларини логоритмик воситалар орқали баргараф этиш йўналишларини асослай олиш: Логопедик ритмика машғулотлари учун дидактик материаллар ва дидактик ўйинларни танлай билиш даволов ритмикасининг асосий бўғини, коррекциялаш-тарбиялашдаги таъсир воситаси кўриб чиқилади.

Қоидали ўйинлар худди халқ ўйинлари сингари қизиқарли бўлиб, унда болалар ҳаёти, ўз тенгқурлари ва катталарнинг меҳнат фаолиятларини тасвирлашга ҳаракат қиладилар. Қоидали ўйинлар ўз хусусиятига кўра дидактик ва ҳаракатли ўйинларга бўлинади.

Дидактик ўйинлар болаларнинг ақлий қобилиятларини, сезиш органларининг логик тафаккурини ўстиришда, болаларни эътиборли ва мустақил бўлишга ўргатади ва машғулотларни ўзлаштиришга ижобий таъсир қилади. Фақат дидактик ўйин ўз моҳиятига кўра ўйин тарзида ўтиши ва машғулотга ўхшаб қолмаслиги керак. Шундагина дидактик ўйинлар қизиқарли ўтади ва у болаларда хурсандлик, қувноқлик хиссини тарбиялашга ёрдам беради.

Ҳаракатли ўйинлар ўз моҳияти билан бошқа ўйинлардан ажралиб туради. Болалар турли ҳаракатли ўйин машқларини (сакраш, чопиш, отиш, узатиш, иргитиш) бажарар эканлар, уларнинг келажакда соғлом ва бақувват бўлиб етилишларига мустаҳкам замин ҳозирланади. Бунда асосан тез ҳаракат қилиш, топқирлик ҳолатлари ва ҳаракатлари амалга оширилади. Бу ўйинлар сезиш, кўриш, нафас олиш органлари, қўл – оёқ мускулларининг яхши ҳаракат қилиши ва меъёردа ривожланишига ёрдам беради.

Демак, барча турдаги ўйинлар болаларнинг катталар фаолиятига қизиқишларига, уларга таҳлид қилишга интилишларига асосланади. Чунки бу ўйинлар кишиларнинг меҳнати ва оилавий ҳаётини; учувчилар, космонавтлар, денгизчилар ҳамда бошқаларнинг қаҳрамонликларини ўзида акс эттиради.

Болалар ўйинини ўзининг мазмуни, хусусияти, ташкил қилишига кўра педагог олимлар уларни қуйидаги туркумларга ажратадилар.

1. Ижодий ўйинлар.
2. Қоидали ўйинлар.

Ижодий ўйинларни болалар ўзлари ўйлаб, топишади. Унда олдиндан белгиланган қоидалар бўлмайди. Ўйин қоидабини болалар ўзлари ўйин жараёнида белгилашади.

Ижодий ўйинларга драмалашган ўйинлар, қурилиш ўйинлари, табиий материаллар билан ўйналадиган ўйинлар киради.

Қоидали ўйинларнинг мазмуни ва қоидабини катталар томонидан белгиланади. Қоидали ўйинларга қуйидагилар киради: дидактик ўйинлар, ҳаракатли ўйинлар, муסיқавий ўйинлар, эрмак ўйинлар.

Адабиётларда педагоглар томонидан қуйидаги ўйин турларидан кенг қўлланиб келаётганлигини аниқладик.

1. Ижодий ўйинлар.

а) сюжетли – ролли ўйинлар;

б) қурилиш ўйинлари;

в) сахналаштирилган ўйинлар;

2. Қоидали – ҳаракатли ўйинлар.

3. Дидактик ўйинлар.

а) ўйинчоқлар билан ўйналадиган ўйинлар.

б) стол устида ўйналадиган ўйинлар.

в) оғзаки ўйинлар

Ижодий ўйинларнинг мазмунини болаларнинг ўзлари ўйлаб топадиган ва уларда таъсуротларини, борлиқ ҳақидаги тушунчаларни ҳамда унга муносабатларини акс эттирадилар.

Қоидали ўйинлар катталар томонидан яратилади ва бола ҳаётига олиб киради. Мазмуни, қоидаларни мураккабланишига қараб, у турли ёшдаги болаларга мўлжалланган бўлади. Тайёр қоидали ўйинларнинг катта гуруҳини халқ ўйинлари ташкил этади, уларнинг кўплари авлоддан авлодга ўтиб, бизга етиб келган. Дидактик ўйинлар болалар боғчасида таълим ва тарбия воситаси сифатида кенг қўлланилади. Дидактик ўйин таълим билан бевосита боғлиқ бўлиб, унга ёрдам беради. Дидактик ўйин – бу мактабгача ёшдаги болаларнинг ёш ва имкониятларига мос келадиган таълим бериш методидир.

Ўз навбатида дидактик ўйинлар ўзининг хилма – хил кўринишларга эга. Сюжетли – ролли ўйинлари, бу ўйинда болалар ўзларини маълум бир ролни қандайдир касб эгаси (шифокор, ўқитувчи, қурувчи) вазифасини бажараётгандек ҳис қилади.

Ролли ўйинлар конкрет бир вазиятда бажарилади. Ўйин давомида кўпи билан уч – тўрт бола атрофида бўлади, яъни гуруҳ – гуруҳга ажралишади. Бу ўйинда болаларнинг эркинлиги, мустақиллиги, ташкилотчилиги ва ижодкорлик қобилиятлари тўлалигича намоён бўлади.

Қурилиш ўйинлари болалар ҳаётида шахсни ҳар томонлама камол топишида катта имкон беради. Қурилиш материаллари билан ўйналадиган ўйинларда болаларнинг техник қизиқишлари ортиб, кузатувчанлик кўпаяди ва болалар тафаккурини ривожлантиришга ёрдам беради. Болаларда анализ, синтез ва таққослаш каби фикрлаш қобилиятлари ривожланади.

Сахналаштирилган ўйинларнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, унда болалар эртак ва ҳикоя сюжетти асосида маълум бир йўлни бажарадилар. Эртак, шеър ва ҳикоя сахналаштирилган ўйинларнинг мазмунини ташкил қилади. «Зумрад ва Қиммат», «Шолғом», «Бўғирсоқ» ана шулар жумласидандир.

Дидактик ўйин катталар томонидан болаларни ақлий ривожлантиришни мақсадида яратилади. Ўйинчоқлар билан ўйналадиган ўйинлар халқ дидактик ўйинчоқлар, қўғирчоқлар, турли табиий материаллар (япроқлар, уруғлар) билан ўйналадиган ўйинлардир.

Стол устига қўйиб ўйналадиган ўйинлар атроф – муҳит ҳақидаги тасаввурларни аниқлаштиришга, билимларни системалашга қаратилган бўлиб тафаккур жараёнлари ва операцияларини (таҳлил, синтез, умумлаштириш, тавсифлаш ва бошқалар) ривожлантиради.

Оғзаки ўйинлар гуруҳига «Бўёқлар», «Гулдургуп», «Қора ва оқ» ва шу сингари ўйинлари киради. Ўйинлар диққатни, тезкорликни боғланишли нутқини ўстиради.

Таянч тушунчалар

1. Аномалия – (грекча *anomalos* – нотўғри, нотекис сўзидан) – анатомик, физиологик ва психик функцияларнинг нормал ривожланмаганлигига асосланган нуқсон.

2. Дидактик ўйин – бу мактабгача ёшдаги болаларнинг ёш ва имкониятларига мос келадиган таълим бериш методидир.

3. Логопедия термини грекча логес (сўз, нутқ) пейдео (тарбиялайман, ўқитаман) яъни «нутқни тарбиялаш» маъносини англатади.

4. Компенсация – ўрнини қоплаш. Бирор психик функция қисман ёки тўла ишдан чиққанда, унинг вазифасини бошқа кучли ривожланган соғ функциялар бажаради.

Текшириш саволлари

1. Логоритмикани фан сифатида таърифлаб беринг. Логоритмиканинг предмети, объекти ва аҳамиятини шархланг.
2. Логоритмиканинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
3. Логоритмика қайси фанлар билан боғланган?
4. Харакатли уйинлар ва улар турларини очиб Беринг?
5. Уйин турларини шархланг.
6. Дидактик уйинларнинг бола ривожланишида қандай аҳамияти бор?

Адабиётлар

1. Беккер К.П., Совак М. Логопедия -М., 1981.
2. Логопедия (под ред. проф. Л.С. Волковой) М., «Просвещение»- 1989. 44-55 бетлар. Логопедия (Л. Муминова., М. Аюпова) Т., 1993 й.
3. Логопедическая ритмика (учебно-методическое пособие для логопедов спец.дет. садов) Тошкент – 2006.Э. Н. Назарова, Ш. БолтаеваД. Нуркелдиева

Мавзу: Фонетик-фонематик нутқ нуқсонини ва овоз бузилишларини бартараф этишдаги коррекцион иш тизимида логопедик ритмика.

Режа:

1. Болаларда фонетик-фонематик нутқ ривожланмаганлигини бартараф этиш.
2. Товушлар талаффузини коррекционлаш учун нутқий ўйинлар ва машқлар.
3. Ринолалик болалар билан олиб бориладиган мусикали-ритмик машғулотлар.
4. Дизартрик болалар учун мусикали ритмик машқлар, нутқ иштирок этган ва нутқ иштирок этмаган ўйинлар.

Нутқнинг фонетик-фонематик томондан ривожланмаганлиги – бу товушларни талаффуз этиш ва идрок қилиш жараёнидаги камчиликлар натижасида болаларда она тилидаги товушларни талаффуз қилиш тизими шаклланишининг бузилишидир.

Бундай нутқ камчилигида нутқнинг идрок ва талаффуз қилиш нуқсонларига асосланган фонетик-фонематик томонининг бузилиши биринчи ўринда туради. Шу билан бирга баъзи болаларда лексика-грамматик тараққиётида яққол ифодаланмаган орқада қолиш ҳоллари ҳам кузатилиши мумкин. Бу тоифадаги болаларга хос хусусият артикуляцион ёки акустик белгиларига кўра фарқ қиладиган товушларнинг шаклланиш жараёнининг тугалланмаган бўлишидир. Бу ҳолда бола нутқда дифференцияланмаган товушлар бўлиши товушларни алмаштириш, нутқда уларни қўлламаслик, кўплаб товушларни бузиб талаффуз қилиш, шунингдек товушларни эшитишга кўра етарли фарқламаслик кузатилади.

Нутқни идрок қилишни текшириш жараёнида олимлар (В.Ананьев 1955,1960; В.И. Бельтюков 1958; А.Н Гвоздев 1961) болаларда биринчи фонематик эшитув нутқ нормал ривожланган ҳолда жуда эрта юзага келар экан деган хулосага келдилар. Муаллифларнинг таъкидлашича, боланинг эшитиш анализатори функцияси эрта ривожланишининг бошидаёқ акустик жиҳатдан қарама-қарши бўлган товушларни ажрата билади, ривожланган фонематик эшитув болага фақат тўлиқ нутқни эгаллашга ёрдам берибгина қолмай она-тилида бемалол мулоқот қила олиш малакаларини ҳам шакллантиради.

Фонематик идрок сенсор функция сифатида жуда эрта шаклланади. Бу ҳолни тадқиқотчи олимлар фонематик эшитув нутқий мулоқотнинг асоси бўлганлиги деб тушунтирадилар (Л.С.Виготский 1934; Л.Т.Шворць 1931; Н.М Шелованов 1954; А.Н

Гвоздев 1981; А.М Леонтьев 1961; Г.Л Розенгард-Пупка 1963; Л В Нейман 1970; В И Бельтюков 1977).

Н.Х Швачкин боланинг нутқни идрок қилишнинг ривожланишида иккита даврни ажратган: нутқнинг фонемагача бўлган ривожланиши ва фонемали нутқ.

Фонемагача бўлган даврда бола катталар нутқи интонациясига, унинг ритмига, сўзларнинг умумий товуш тизимига реакция кўрсатади. Болада мулоқотнинг нутқий шаклларига бўлган эҳтиёж пайдо бўлади. Бу даврга келиб бола товушларни идрок қила бошлайди, сўзлардан фикрни ифодалаш мақсадида фойдаланади. Худди шу даврни Н.Х.Швачкин «фонемали нутқ» деб атаган ва нутқий тизимни шакллантирувчи деб ҳал қилувчи баҳо берган. Бир ёшдан икки ёшгача нутқни идрок қилиш шаклланади, икки ёшнинг охирига борганда эса тўлиқ нутқни эгаллаш асоси бўлган бирламчи фонематик эшитиш ривожланади ва бола нутқдаги барча товушларни идрок эта бошлайди.

Охангдор нутқни бола томонидан ўзлаштириб олиниши Гвоздев (1961) томонидан таҳлил қилиб берилган. Унинг таъкидлашича бола бошқа товуш таъсуротларидан товушли нутқи тез ажратади, эшитиш тассавурлари унинг шахсий талаффузида фонематик элементларни ишлаб чиқувчи регулятор ҳисобланади. Эшитиш тассавурлари боланинг икки ёшида етарли ривожланишга эга бўлади. Бу ёшда бола нутқдаги барча товушларни эшитади ва ажрата бошлайди. Бу фактни А.Н.Гвоздев боланинг фонематик эшитиш даражасини белгилашдаги асосий омил деб ҳисоблаган.

Худди шу фикрни В.И.Бельтюков ҳам қўллаб қувватлайди. У томонидан ишланган «Боланинг фонематик эшитуви ривожланиши картаси»да боланинг алоҳида товушларнинг ва тилдаги товушли гуруҳларни ажратиш қобилиятининг ривожланиши қонун-қоидалари очиб берилган. Маълумотлар шуни кўрсатадики бола икки ёшда ҳатто акустик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган товушларни ҳам ажрата олади. Муаллиф, бола икки ёшга етганда боланинг фонематик эшитиши энг юқори шаклланган даражага етади деб хулоса қилади.

Психология, лингвистика, дефектология ва педагогикада фонематик эшитишни турли нуқтаи назар бўйича талқин этадилар.

Муаллифлар турли терминлардан фойдаланадилар яъни нутқий эшитув, нутқий идрок қилиш фонематик идрок ва фонематик тассавур.

В.Г.Ананьев (1955) нутқий эшитишни икки хил шаклда ўрганиб чиқади яъни абсолют ва ажратувчи эшитиш сезгилари.

С.Ф.Иваненко (1984) нутқий эшитишни кишини идрок қилишга диққатнинг қаратишнинг психолингвистик қобилияти сифатида кўрсатиб беради. Унинг фикрича нутқий эшитув нутқий қобилиятнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади ва ҳар бир қобилият сингари у ҳам нутқ маданиятининг бир бутунлиги ва тилнинг фонологик воситаларини ўзлаштириш асосида ривожланади, таъминланади ва такомиллашади.

С.П.Редозубов (1961), Д.В.Эльконин (1964) фонематик эшитишнинг инсоннинг сўздаги маълум нутқий товушларни эшита олиш қобилияти деб тушунтирадилар.

А.Р.Лурия (1969,1975) бу тушунча билан чегараланиб қолмай, фонематик эшитишни тасодифий товуш белгиларини ажрата билган ҳолда алоҳида гуруҳлардаги турли товушларни умумлаштириш қобилияти деб қарайди.

Фонематик эшитишнинг бу хусусиятига Н.В.Архангельская (1972), Е.Г.Карясен (1972), А.В.Калинева (1972) ҳам эътибор берадилар. Улар фонематик эшитишни нутқий товушларни ҳамда уларнинг жаранглаш сифатини ажратиш қобилияти деб биладилар.

Т.Г.Егоров (1953) фонематик эшитиш нутқнинг товуш томондан анализ ва синтез қилиш қобилияти деб таъкидлайди.

А.Воскресенская (1960) В.Г.Горецкий, Н.И.Кузьмина ва В.И.Рождественская (1968), М.Ф.Фомичева (1971) фонематик эшитишни сўздаги бошқа товушлар орасида алоҳида товушларни ажратиш қобилияти деб қарайдилар.

Бизнинг фикримизча фонематик эшитув фақат нутқдаги товушларни идрок қилган ҳолда перцептив функциядир. Бошқа ҳамма қобилиятлар товушларни ажратиш, товуш

гуруҳларига умумлаштириш, фонематик эшитишнинг яхши ривожланганлиги натижасида товуш анализ ва синтезини қила олиш мулоқот ва таълим жараёнида шаклланади.

Кўпгина тадқиқотчи олимлар (Г.А.Лямина (1958), А.Н.Гвоздев (1983), А.Р.Лурия (1979), А.Ф.Зайцева (1981) ва бошқалар) фонематик эшитишнинг яхши ривожланмаганлиги болаларда товуш ҳосил бўлишини тормозлайди. Бунинг натижасида товушлар жуда кеч ва нотўғри шаклланади деб таъкидлайдилар.

Товушлар талаффузи бузилишининг мустақил дефект сифатида талқин қилиниши М.Е.Радина (1947, 1952, 1961, 1968), М.А.Александрова (1955), Л.М.Чудинова (1955), М.Е.Хватцев (1958 1961), Ф.А.Рау (1958), М.Ф.Фомичева (1966, 1971), М.Г.Генинг, Н.А.Герман (1966, 1971), О.Н.Усанова (1970), Е.Ф.Соботович (1970), М.М.Алексеева (1971), Т.Б.Филичева (1974), М.Ю.Аюпова (1992) ва бошқалар томонидан кўрсатиб берилган.

Мактабгача ёшдаги болалар талаффузидаги камчиликлар, товуш анализи ва фонематик эшитишнинг ривожланиш хусусиятлари М.А.Александрова (1955) ишларида ёритиб берилган. Муаллифнинг таъкидлашича фонематик эшитишнинг ривожлантиришга қаратилган коррекцион ишлар боланинг тўғри талаффуз қилишни ўзлаштириб олишга ёрдам беради. Мактабгача ёшдаги болалар талаффузидаги камчиликларни коррекциялашда кўпроқ эшитиш идрокига эътибор бериш керак. Муаллиф мактабгача ёшдаги болаларда товуш талаффузидаги камчиликлар кўп учрайди ва у махсус педагогик ёрдамсиз бартараф этиб бўлмайди деб хулоса қилади.

Кўпгина муаллифларнинг (Р.Е.Левина (1959), Г.А.Каше (1968), М.Ф.Фомичева (1981), А.В.Ястребова (1984), Ж.Т.Рахимова (1988), Л.И.Совка (1989) таъкидлашича мактабгача чиқаётган болаларнинг 20%-30% да товушлар талаффузида камчиликлар кузатилади экан.

Болалардаги баъзи бир товушларнинг нуқсонли талаффузи қуйидаги кетма-кетликда кузатилган: Р товуши талаффузидаги камчилик сирғалувчи товушлар, шовкинли товушлар, тил орқа товушлар, Л товуши ва кам микдорда бошқа товушлар. Муаллифлар оғзаки нутқдаги камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини турлича талқин қиладилар ва бартараф этиш учун турли методик кўрсатмалар берадилар.

Товушлар талаффузидаги камчиликлар сабабларини ўргана туриб, муаллифлар боланинг мотор сферасида ёки акустик идрокда қийинчиликлар бўлишни кўрсатадилар. (Р.М.Боскис, Р.Е.Левена, Н.Х.Швачкин, Л.Ф.Спирова, Л.К.Назарова).

Л.Ф.Спирова (1937) нормал ва нутқ бузилишига эга бўлган болаларни товуш анализ қилиш хусусиятларини таққослаб текшириш ишларини олиб борган. Текширишлар натижаси шуни кўрсатадики, ҳатто битта товушни нотўғри талаффуз қилиш ҳам товуш анализига ўз таъсирини кўрсатар экан.

Л.Ф.Спирова (1957) нормал талаффузга эга бўлган мактабгача ёшдаги болаларнинг товуш анализи қобилятини аниқлаш учун сўздаги берилган товушни топиш орқали аниқлаш мумкинлигини кўрсатди. Болаларда товуш анализ қилиш қобилятини аниқлашнинг янада енгил шакли бу берилган товушни сўз таркибидан топиш ёки шу товушга оид расм топишдир. Кейинроқ эса берилган товушга оид сўз ўйлаб топиш, сўздаги охириги ундош товушни топиш каби товуш анализини шакллантирувчи шакллардан фойдаланиш мумкин.

Л.Ф.Спированинг маълумотига кўра фонематик идрок ҳамда товушлар талаффузидаги камчиликлар намоён бўлишига кўра хилма-хилдир. Баъзи бир болаларда товушлар талаффузидаги камчиликлар артикуляцион аппарат тузилиши ва ҳаракатидаги камчиликлар натижасида келиб чиқади. Бунда жуда кўп товушларни умуман талаффуз эта олмаслик, артикуляцион жиҳатдан осон талаффуз этиладиган ёки артикуляцион жиҳатдан бир-бирига ўхшаш товушларга алмаштириш ҳамда товушларни нотўғри талаффуз этиш ҳоллари кузатилади.

Баъзи болаларда кузатиладиган товушлар талаффузидаги камчиликлар артикуляцион аппарат ҳаракатидаги қийинчиликлар билан боғлиқ бўлмай, балки товушларни ноаниқ идрок қилиш натижасида келиб чиқади.

Л.Ф.Спирова фонематик камчиликлар сабабларини ўргана туриб бола нутқининг талаффуз томони қанчалик бузилган бўлса, у сўзларда товушларни анализ қилишга шунчалик қийналади. Бу эса ўқиш ва ёзиш малакаларини ўзлаштиришда қийинчилик туғдиради деган хулосага келди.

Болаларда товушлар талаффузидаги камчиликларни таҳлил қилиш Н.А.Никашинанинг (1959) қуйидаги товуш турлари камчиликлари учун умумий хулоса қилишга сабаб бўлди:

- товушнинг нутқда бўлмаслиги – уни талаффуз қила олмаслик, артикуляция ва талаффуз жиҳатдан бир-бирига яқин товушларни алмаштириш;
- товушларни алмаштириш-товуш алоҳида тўғри талаффуз қилинади, лекин сўз ва гапларда бир гуруҳдаги товушлар билан алмаштирилади;
- товушлар нутқда бўлади, лекин артикуляцион жиҳатдан аниқ талаффуз қилинмайди.

Н.А.Никашина товушлар талаффузида кўп учрайдиган камчиликлар деб қуйидаги хулосага келди:

Л, Р товушлари учун уларнинг нутқда бўлмаслиги, сирғалувчи товушлар учун нотўғри талаффуз, шовқинли товушлар учун бошқа товушларга алмаштириш, портловчи товушлар учун-ноаниқ талаффуз этиш кабилар ҳосдир.

Мактабгача ёшдаги болаларда талаффуз камчиликлари Е.Ф.Сибонович (1970) ва М.М.Алексеева (1971) томонидан таҳлил этилган. Нутққа қўйилган товушларни мустақил нутққа киритиш, баъзи алоҳида товушлар устида ишлаш кетма-кетлиги, логопедик ишлар методикаси ва мазмуни улар томонидан ишлаб чиқилган.

Нутқда камчилиги бор болаларнинг фонематик эшитувини ривожлантириш самарадорлигини ошириш ишларига М.Зееман (1962) эътибор бериб, тўғри талаффуз шартларидан бири бу фонематик эшитишнинг яхши ривожланиши деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам талаффуздаги камчиликларни бартараф этишда биринчи навбатда эшитиш идрокини ривожлантириш зарур.

Г.Мистковская (1969) талаффуз устидаги ишлар артикуляцион аппарат моторикасини ривожлантиришга, тўғри нафас олишга, фонематик эшитишни ривожлантиришга, болаларни саводга ўргатишга тайёрлашга қаратилмоғи лозим деб ҳисоблайди.

З.К.Габашвили грузин болаларида А.С.Винокур украин болаларида, А.И.Микульските литва тилида таълим оладиган болаларда, Р.А.Аёзбекова козоқ, В.Пашалаков туркман болаларда, Л.И.Совка молдавлон болаларида, Л.Р.Муминова, М.Аюпова ўзбек болаларида нутқ камчиликларини ўргандилар. Улар ўзларининг тадқиқот ишларида артикуляцион характерга эга бўлган талаффуз камчиликларини, фонематик идрок жараёнларининг ривожланмаганлигидан келиб чиқадиган камчиликларни, ёзув ва талаффуз камчиликларини таҳлил қилиб бердилар.

Турли миллат болаларида нутқ бузилишларини ўрганиш, коррекцион иш усулларини танлашда ҳар бир миллатнинг тил хусусиятларини эътиборга олиш зарурлигини кўрсатди.

М.Аюпова (1992) мактабгача ёшдаги болалар нутқининг фонетик ҳамда фонематик томонини ўрганишда товушлар талаффузидаги камчиликларни болалар орасида кенг тарқалганлиги аниқлади. Унинг маълумотиғи кўра 270 та текширилувчи 5 ёшли болалардан 112 тасида (41,5%) товушлар талаффузида камчиликлар борлиги белгиланди. Шулардан «Р» товуши талаффузидаги камчиликлар 60,7% ни, шовқинли товушлар 38,4%, сирғалувчи 32,1%, тил орқа 2,5%, чуқур тил орқа 7,1%, «Л» товуш талаффузидаги камчилик 5,4%, ташкил этар экан.

М.Аюпова томонидан олиб борилган фонематик жараёнларнинг текшириш натижалари шуни кўрсатдики, фонематик идрокнинг ривожланмаганлиги товуш

тузилиши бўйича ўхшаш бўгин, сўзларни билишда ва уларни аниқ ажрата олмасликда, товушларни дифференциация жараёнини тугалланмаганлигида айниқса нозик акустик ва артикуляцион белгилари билан фарқ қиладиган товушларни фарқлашда намоён бўлар экан.

Мактабгача ёшдаги болаларда товуш анализини ўрганиш уларда бу малакаларни шаклланмаганлигини кўрсатди.

Юқорида номлари келтирилган барча муаллифлар болаларда кузатиладиган товушлар талаффузидаги камчиликлар ҳамда фонематик эшитувнинг ривожланмаганлигини махсус логопедик ёрдамсиз бартараф этиб бўлмайди деб эътироф этадилар.

Бундай нутқ бузилишига эга бўлган болаларга кўрсатиладиган логопедик ёрдам махсус болалар боғчаларида, поликлиникаларда, умумтаълим мактаблари қошидаги логопунктларда амалга оширилади.

ФФН болалар нутқини текширишда аввал кузатиш методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Кузатиш методи болалар коллективи билан ҳамда айрим болалар билан танишиш учун фойдаланилади. Кузатиш методи орқали болалар хулқи, уларнинг ўзига хос характери, эмоционал-ирода сфераси, уларнинг умумий ривожланиш даражаси, умумий кизиқиши, қатъийлиги ҳақида бирламчи маълумотларни олиш мумкин.

Кузатиш методи ўйин жараёнида, болаларни бир-бирлари билан ҳамда тарбиячи билан мулоқотда бўлиш вақтида ўтказиш мумкин.

Логопедик машғулотларда ҳам кузатиш методидан фойдаланган ҳолда болалар нутқини кузатиш тавсия этилади.

Кузатиш методидан ташқари ФФН болаларни текширишда суҳбат методидан ҳам фойдаланиш мумкин. Суҳбат жараёнида болалардаги нутқий имкониятларни, нутқни тушуниш ҳолати, актив луғати, грамматик тизимини ривожланиш даражаси ҳақида биринчи маълумотларни олиш мумкин.

Суҳбат жараёнида болалар учун таниш бўлмаган мавзулардан фойдаланиш лозим.

ФФН болалар нутқини текшириш эксперимент

Товушлар талаффузи бузилган болалар билан коррекцияловчи логоритмик иш куйидаги боскичда олиб борилади:

1 – боскич тайёргарлик даври. Бу даврда нутқ эшитув органига доир, фонемаларни тугри қабул қилишга қаратилган, артикуляцион моторикани ривожлантирувчи ва нафас машқлари ургатилади.

2 – боскич товуш пастоновкаси даври. Бу даврда товушлар нуткка куйила бошлайди. Кушимча равишда юзни мимик хараатларига доир, умумий моториканинг ривожланишига ҳам эътибор қаратилади. Болалар мусика садоси остида, кузгу олдида утирган ҳолда сезги белгиларини (хурсанд-хафа, аччиқ, Шур) Болага барча машқларни (лаб, тил, жағ машқларини) онгли равишда мусика садоси остида бажартиришга ургатиш, барча машқларни ритмик тарзда олиб бориш, аниқ ҳаракатлар ва санок тарзида ўтказиш зарурдир.

3 – боскич товушлар автоматизацияси даври. Бу даврда артикуляцион аппаратни ривожлантирувчи машқлар, ҳаракатларни ва интонацияни ривожлантирувчи машқлардан фойдаланилади. Мавзу боланинг талаффузида қайси ҳарф бузилганлигига қараб логопед томонидан танланади.

4 – боскич товушлар дифференсацияси даври бўлиб, товушларни бир ва куп бугинли сузларда мустаҳкамланади. Мусика ёки мусикасиз турли – хил уйинлар, купрок роли уйинлар, диалоглар асосида иш олибборилади. Уйин мавзуси турли – хил бўлиб мақсад товушларни бир – биридан фарқлашга қаратилган бўлади.

Мактабгача тарбия муассасаларида нутқ камчиликларига эга бўлган болаларни тарбиялаш болалар боғчаси тарбия дастурига мувофиқ ташкил қилинади. Фонетик-фонематик нутқ камчилигига эга бўлган болалар оммавий турдаги мактабгача тарбия муассасаларнинг мактабга тайёрлов гуруҳларига мўлжалланган билим, кўникма ва малакалар ҳажмини ўзлаштиришлари керак.

Фонетик-фонематик жиҳатдан нутқ ривожланмаган болалар гуруҳларига олиб келинган болалар 10 ой ичида умумтаълим мактабида муваффақиятли билим олиш учун зарур бўлган асосий топшириқлар, кўникма ва малакалар ҳажмини ўзлаштириб олишлари лозим.

Нутқ фаолиятининг айрим томонларини ривожлантиришга қўйиладиган талабларни аниқлаш мақсадида қуйидаги махсус ишлар амалга оширилади:

- талаффуз малакаларини шакллантириш;
- фонематик идрокни ривожлантириш;
- товуш анализ ва синтези кўникмаларини ривожлантириш.

Тузатувчи таълимнинг мақсади: болаларда умумий ва нутқ камчиликларини тузатиш ҳамда болаларнинг нутқий фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган махсус логопедик метод ва усулларни қўллаш йўли билан боланинг ёшига мувофиқ луғат бойлиги ва мустақил нутқ билан бирга тўғри, аниқ равон нутқни тарбиялаш.

Тузатилган нутқий материал устида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- болаларда сўзнинг морфологик таркибига ва сўзларнинг ўзгаришга эътиборни жалб этиш ҳамда сўзларнинг гапда боғланишини ривожлантириш;
- болаларда оддий ёйиқ ва қўшма гапларни тўғри тузиш, мустақил нутқда турли конструкциядаги гапларни қўллаш кўникмаларини тарбиялаш;
- мустақил нутқни ривожлантириш;
- луғатини бойитиш;
- талаффузини тўғрилаш асосида саводга ўргатиш;
- ихтиёрий диққат ва хотирани ривожлантириш.

2. Қуйида биз фонетик-фонематик нутқ ривожланмаганлигини бартараф этиш бўйича М.Аюпова (1992) томонидан тавсия этилган логопедик иш тизими билан танишамиз.

Фонетик-фонематик нутқ ривожланмаганлигини бартараф этиш бўйича олиб бориладиган коррекцион иш тизими шартли равишда 3 даврга бўлинади. Уларнинг ҳар бирининг мазмуни ва ҳажми жиҳатидан фарқ қилган ҳолда бир-бирига боғлиқ ҳамдир. Коррекцион логопедик ишнинг олдинги даври кейинги даврдаги иш мазмунини ўзлаштириб олишга болаларни тайёрлайди.

Коррекцион ишнинг биринчи даврида олиб бориладиган логопедик ишлар мазмуни.

Фонетик-фонематик нутқ ривожланмаганлигини бартараф этишда олиб бориладиган коррекцион ишнинг биринчи даврини тайёрлов даври деб ҳам номлаш мумкин. Бу даврда олиб бориладиган ишлар қуйидагиларни ўз ичига олади: артикуляцион аппарат ҳаракатчанлигини ривожлантириш; тўғри талаффуз қилинадиган товушларни аниқлаш; товушларни нутққа қўйиш; эшитув идрокини ривожлантириш, товушлар дифференциацияси; устида ишлаш сўз ва бўғин ичидан товушни ажратиш.

Нутқнинг товуш томони шаклланишида фақатгина артикулятор моториканинг эфферент звеносининг шаклланганлиги эмас, балки нутқий сезгилар-кинестезиялар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Н.И.Жинкин қайтиш реакциясининг бўлмаслиги нутрий органлар ҳаракати машқлари учун тажриба тўпланишини тўхтади деб таъкидлаган. Қайтиш реакцияларининг (кинестезия) кучайиши нутқнинг ўзлаштиришни тезлаштиради ва енгиллаштиради.

Ҳаракат-кинестетик алоқаларни ривожлантириш учун товуш талаффузи вақтида артикулятор органлар ҳолатини аниқловчи махсус машқлар бажартирилади. Машқларни бажариш жараёнида болаларнинг диққати доимо кинестетик сезгиларга қаратилади.

Артикулятор ҳаракатларнинг кинестетик асосини шакллантириш турли хил машқларни бажариш жараёнида амалга оширилади, лаблар ҳолатини аниқлаш, тил учи тор ва кенглигини ажратиш ва ҳ.к.

Артикуляцион аппарат ҳаракатчанлигини шакллантириш бўйича логопедик ишлар куйидагиларни ўз ичига олади:

1. Артикулятор моторикани ривожлантиришга ҳаракатлар ҳажмини кўпайтиришга йўналтирилган, артикуляцион аппарат органлари ҳаракатчанлигини, кучини, аниқ ҳаракатини, артикулятор органни керакли ҳолатда ушлаб тура олиш кўникмаларини ривожлантиришга оид статик машқлар.

2. Бир вақтда ва кетма-кет бажарилаётган ҳаракатлар жараёнида динамик координацияни ривожлантирувчи машқлар.

3. Артикулятор ҳаракатлар статикасини ривожлантириш, ҳаракатларни такрорлаш ва қайта тиклаш жараёнида амалга оширилади.

Артикулятор ҳаракатларни ривожлантириш ўйин («Ширин мураббо», футбол) шаклида олиб борилиб, моторика бузилишининг характери ва даражасини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Артикулятор моторикани ривожлантирувчи машқлар бир вақтнинг ўзида ҳаракатнинг кинетик ва кинестетик асосида таъсир қилишни эътиборга олган бўлиб, шу жумладан ҳаракатларнинг статик ва динамик координациясига, ҳаракатларнинг турли даражаларини шакллантириш ва мураккаблаштиришга ҳам қаратилгандир.

Артикулятор моториканинг ривожланиши товуш талаффузидаги камчиликларни коррекциялаш учун аҳамиятлидир. Бу ишнинг асосий вазифаси артикуляцион органлар сезгисини ва ҳаракатчанлигини яхшилаш; тил ва лабларнинг ихтиёрий ҳаракатларини мукамаллаштиришдан иборат.

Моторикани ривожлантириш артикуляцион гимнастика кўринишда ўтказилади. Унинг мақсади артикулятор ҳаракатларнинг ҳар бир элементини қайта ишлашдан иборат бўлади.

Нутқ аппарат моторикасини ривожлантириш ва тўғри артикуляцияни тарбиялаш ишлари куйидагиларни ўз ичига олади:

- статик ва динамик машқлар;
- артикулятор аппарат ҳаракатчанлик кучини, ҳаракатлар аниқлигини ривожлантириш;
- нутқ аппарат мускулларидаги тарангликни йўқотиш.
- ҳаракатларнинг нормал темпини тарбиялаш.

Биринчи даврнинг асосий вазифалардан яна бири товушларни нутққа қўйиш, болаларда бузилган артикуляцион тузумларни коррекциялашдир.

Товушларни нутққа қўйиш индивидуал машғулот давомида, ҳар бир болага 10-15 минут ажратилган ҳолда олиб борилади. Ҳар бир аниқ ҳолатда товушларни нутққа қўйиш усуллари танланади. Уларни танлашда бола шахсига, талаффуздаги камчилик хусусиятларига, нутқ хусусиятларига эътибор берилиши лозим.

Товушни нутққа қўйиш бўйича олиб бориладиган ишни режалаштирилар экан, логопедик ишни ва товушни нутққа қўйиш қоидаларини кетма-кетлигини ҳисобга олиш зарур. Асосий диққат-эътибор товуш артикуляциясини онгли равишда мустаҳкамлашга қаратилиб, болалар тил, лаблар, тишлар қай ҳолатда турганлигини кўрсатиб ва айтиб бера олишлари керак. Болалар диққати кўпроқ товушлар артикуляциясига қаратилади. Коррекциялаш усуллари артикуляцион аппарат тузилиши ва функциясини ҳисобга олган ҳолда танланади.

Товушларни нутққа қўйишда тақлид, механик ва аралаш усулидан фойдаланилади.

П, Б, Д, Т, В, Ф, К, Г товушларини нутққа қўйишда тушунтириш, тақлид усулидан, с, з, ш, ж, ч, р товушларини нутққа қўйишда тақлид ва механик усуллардан фойдаланиш тавсия этилади. Нутқнинг фонетик-фонематик ривожланмаганлигини коррекциялаш аналитик-синтетик машқларни мураккаблаштирувчи тизим орқали логопедияда қабул қилинган усулларни қўллаш билан олиб борилади. Бунда болаларни нутқ органлари

артикуляциясига онгли ёндошишга, ўз талаффузини назорат қилишга, нутққа қўйилган товушларнигина эмас, балки нутқдаги барча товушларни аниқ ва тўғри талаффуз этишга, товушларни ҳосил бўлиш ўрни ва жарангдорлигига кўра таснифлаб беришга ўргатиш лозим. Бундай тайёргарлик ишларидан сўнг болаларда товуш анализи операциясини шакллантиришга, яъни бўғин ва сўзларда товушларни ажрата билишга ўргатилади.

4. Коррекцион ишнинг II даврида олиб бориладиган логопедик ишлар мазмуни.

Коррекцион таълимнинг II даврида товушларни нутққа қўйиш давом эттирилади, нутққа қўйилган товушларни нутқда мустаҳкамлаш; эшитиш идрокини ривожлантириш; товуш анализи ва синтезини шакллантириш: а) сўзда товуш ўрнини топиш (сўз бошида, ўртасида, охирида); б) сўзларда товушлар сони ва кетма-кетлигини аниқлаш; нутқнинг лексик-грамматик томонини бойитиш ва ривожлантириш бўйича логопедик иш олиб борилади.

Ушбу даврда ҳам товушларни нутққа қўйиш ишлари давом эттирилди. Товушларни нутқда мустаҳкамлашга болалар товушларни тўғри ва аниқ талаффуз қила олганларидан сўнг ўтилади.

Товушларни нутқда мустаҳкамлаш учун турли хил иш турларидан фойдаланилади: керакли товуш иштирок этган бўғинлар, бўғин бирикмалари, сўз, жумлаларни логопед кетидан қайтариш; расмлар бўйича сўзларни мустақил талаффуз этиш; берилган товушга сўз ўйлаб топиш; ўқилган матнни қайта ҳикоя қилиб бериш, керакли товушни ўз ичига олган топишмоқ тез айтиш, мақол, кичик-кичик матн ва шеърларни айтиб бериш.

Товушлар дифференциацияси устида иш олиб бориш II даврнинг асосий вазифаларидандир. Логопедик иш кўриш, эшитиш, тактил вибрацион ва кинестетик назоратга таянган ҳолда олиб борилади.

Фонематик идрокни ривожлантириш болалар билан олиб бориладиган коррекцион ишнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Фонематик идрокни ривожлантириш ишлари товуш анализини шакллантириш билан ўзаро боғлиқ ҳолда олиб борилади.

Фонематик идрокни ривожлантириш ишларида қуйидаги машқлардан фойдаланилади:

- нутқий бўлмаган товушларни ажратиш;
- товушлар қаторидан маълум товушларни ажратиш (акустик ва артикуляцион белгилари ўзаро яқин бўлади);
- сўз таркибидан маълум товушни ажратиш (товуш таркиби жиҳатидан яқин ва узок бўлган товушлар);
- берилган товушга сўз ўйлаб топиш;
- битта товуш билан фарқ қилувчи бўғинлар қаторини қайтариш;
- берилган маълум товушга расм танлаш;
- нутққа тўғри талаффуз қилинадиган сўзлардан ўзлаштирилган товушларни мустаҳкамлаш;

- сўз таркибидаги алоҳида товушларни эшита билиш. Бу ва яна бошқа вазифалар, машғулотлар давомида мақсадга кўра такрорланади. Таълимий машғулотларни ўйин кўринишида ўтказиш тавсия этилади. Ҳар бир ўйин бошқа вазифаларни яъни; сўзлар, гаплар ва мустақил нутқда товушларини тўғри талаффузини мустаҳкамлашни кўзлаган ҳолда ўтказилади.

Ўйинлар нутқда товушларни мустаҳкамлаш ва аниқлаш, фонематик идрокни ривожлантиришга хизмат қилади. Машғулот давомида «Топчи нимани овози», «Овоз қаердан келяпти», «Сўздаги товушни топ», «Ким кўпроқ сўз топади», «Расмларни эслаб қол» каби ўйинлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Аниқ кинестетик ва эшитиш сезгиларига таянган ҳолда олиб борилган товуш анализи ва синтезига оид машқлар ўз навбатида нутқ товушларини ўзлаштиришга, ўз талаффузи устида мустақил назорат кўникмаларини тарбиялашга, дисграфия ва дислексияни олдини олишга ёрдам беради.

Коррекцион ишнинг III даврида олиб бориладиган логопедик ишлар мазмуни.

Коррекцион таълимнинг учинчи даврини асосий вазифалари куйидагилар;

- нутққа қўйилган барча товушларни мустаҳкамлаш;
- товуш анализи малакаларини мустаҳкамлаш;
- нутқнинг лексик-грамматик томонини такомиллаштириш.

5. Коррекцион таълимнинг сўнги даврининг мақсади нутрий мулоқот шароитида фонематик идрок ва тўғри товуш талаффузи кўникмаларини мустаҳкамлашдир. Бу ишда мустақил нутқда фақатгина товушларни тўғри талаффузини шакллантирибгина қолмай, балки болаларни луғатини бойитиш, нутқининг грамматик тузилишини такомиллаштириш, нутқнинг темпи ва мелодикинтацион томонини ривожлантириш, такомиллаштиришга оид машғулотлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Коррекцион таълимнинг учинчи даврида болаларда товуш анализи малакаларини шакллантиришга оид коррекцион ишлар давом эттирилади. Бунда иш ҳаракатнинг куйидаги алгоритмидан фойдаланилади: сўздаги товушларни баланд овозда такрорлаб, тўғри талаффуз қилиш; сўздаги ҳар бир товушни эшитиш ва уни қўшни товушдан ажрата билиш; сўздаги товушларни навбат билан айтиш, фиксация йўли билан сўзлардаги товушларнинг сони ва кетма-кетлигини аниқлаш.

Сўзнинг товуш таркибига оид анализ ишлари ҳар бир болага индивидуал ёндошилган ҳолда олиб борилади.

Логопедик машғулотларда алоҳида операцияларни бажариш билан бирга нутқий материалнинг анализ ва синтези билан боғлиқ ҳамма ақлий иш ҳаракатлар тизими қайта ишланади.

Болаларда бажарилган иш ҳаракатлар алгоритмининг аста-секин шакллантириб ва мустаҳкамлаб бориб, аввал логопед раҳбарлигида сўнгра боланинг ўзини сўз, бўгин, товушнинг анализ-синтез қила олишини мустақил назорат қилишга ва ўз ишини баҳолашга ўргатилади.

Коррекцион таълимнинг муҳим вазифаларидан бири оппозицион ва тўғри талаффузига эришилган товушлар дифференциациясига оид машғулотлар ҳисобланади. Ушбу машғулотларда артикуляцион ва акустик белгилари жиҳатидан ўхшаш товушлар дифференциациясига оид турли усуллар қўлланилади. Машғулотларда болалар диққати, хотира, тафаккур операциялари (анализ, синтез, солиштириш, умумлаштириш), назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш, мустақилликни ривожлантирувчи ишлар олиб борилади.

Тарбиячи билан олиб бориладиган машғулотларда болаларнинг атрофдаги предметлар ва ҳодисалар ҳақидаги тасаввурлар ҳосил қилиш ва уларни бир тизимга солиш, табиий ва ижтимоий ҳодисалар билан таништириш билан бир вақтда болаларнинг луғат бойлиги кенгайтирилади, сўзлашув ва ҳикоя нутқи ривожлантирилади.

Шундай қилиб, болалар нутқи турли йиллар билан ривожлантириб борилади, лекин бир мақсадни – таълим ва тарбия бериш жараёнида болаларнинг нутқий тараққиётдан камчиликларни йўқотиш ва уни мактабда кўникма ва малакалар олишга тайёрлашни кўзда тутди.

Логопедик машғулотларда қўлланиладиган ўйинлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар.

Фаолиятимиз давомида олиб борилган таълимий эксперимент натижалари шуни кўрсатдики, логопедик машғулотларни ноанъанавий тарзда ташкил этиш ва уларни ўйин шаклида олиб бориш яхши самара беради. Бу фаолиятга боланинг ўзи фаол қатнашиб борганлиги сабабли, олдимизга қўйилган мақсадга эришиш осон кечади. Мана шу омилларни иноватга олган ҳолда товушлар талаффузидаги камчиликларни бартараф этишда логопедик ўйинлардан унумли фойдаланишни тавсия этамиз.

Маълумки, товушлар талаффузидаги камчиликларни бартараф этишда унинг сабабларига алоҳида эътибор берилади. Чунки, артикуляцион моторика

ҳаракатчанлигининг етишмаслиги ва фонематик идрокнинг ривожланмаганлиги товушлар талаффузидаги камчиликларни келтириб чиқариши ҳаммага маълум.

Даставвал, артикуляцион моторикани ҳаракатчанлигини ошириш ишларидан бошлаш лозим. Фонематик идрокни шакллантириш ва ривожлантириш ишлари эса товушни нутққа қўйиш ва мустаҳкамлаш ишлари билан параллел равишда олиб борилади.

Қуйида биз, товушлар талаффузидаги камчиликларни бартараф этишда фойдаланиш мумкин бўлган ўйинлар гуруҳни келтириб ўтамиз.

Ўзбек тилимизнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, болаларни тўғри талаффузга ўргатишда логопедик ўйинлардан фойдаланиш йўлларины такомиллаштириш мақсадида бой абадий меросимиздан намуналар келтирамиз.

Шу билан бирга, болаларга комплекс таъсир қилишни ташкил қилиш мақсадида ва нутқни ривожлантириш учун ёрдамчи восита сифатида бармоқ машқларини қўшиб боришни тавсия этамиз.

Артикуляцион моторикани ривожлантириш бўйича ўйинлар.

Артикуляцион аппарат ҳаракатининг аниқ бажарилиши товушлар талаффузини тўғри ривожланишига имкон беради.

Артикуляцион аппаратнинг аниқ ҳаракатига эришиш учун эга артикуляцион машқлардан фойдаланилади. Бу машғулотнинг асосий вазифаси болаларда нутқ аппаратининг, яъни тил, лаб, пастки жағ ва тилчанинг ҳаракатчанлигини ривожлантиришдан иборат.

Қуйида артикуляцион моторикани ривожлантириш бўйича олиб бориладиган ўйинлардан намуналар келтирамиз.

«Ширин мураббо».

Мақсад: Тил ҳаракатини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Тарбиячи болаларга мураббо ялаётган қизчанинг расмини кўрсатиб, шундай дейди: «Мураббо жуда ҳам ширин. Қизчанинг юқориги лабига суркалиб қолди. Юқориги лабга суркалиб қолган мураббони тилимиз билан ялаймиз. Мана бундай (кўрсатилади). Мураббони энди сизлар тилингиз билан яланглар».

Методик кўрсатма: Машқни такрорлаш вақтида болалар тил учини пастки тишларга тирамасин, фақат тил ишласин. Лаблар ва пастки жағ ҳаракатсиз бўлсин. Бу ҳолатни назорат қилиб туриш лозим.

«Тишимизни тозалаймиз».

Мақсад: Тил ҳаракатини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар стулчаларида тарбиячиларга қараб ўтиришади. У болаларга расмни кўрсатиб, шундай дейди: «Қаранглар, мана бу бола тишини қандай тозалаяпти. Ҳозир бизлар ҳам тишларимизни тозалаймиз, фақат тиш щёткаси билан эмас, балки тилимиз билан тозалаймиз. Қаранглар, мен тишимни қандай тозалайман. (Тили билан юқориги тишни ички томондан тозалайди). Энди ҳаммамиз тилимиз билан юқориги тишларимизни ички томонидан тозалаймиз. Тишларингизни яхшилаб тозаланглар, тишларингиз ярақлаб турсин».

Тарбиячи болаларни бирма-бир чақириб, тил билан тишларни қандай тозалаш кераклигини кўрсатишни таклиф этади.

Методик кўрсатма: Машқни оғизни очиб турган ҳолатда бажариш керак. Тилнинг учи юқориги курак тишнинг ички томонидан бўлиб, ўнг ва чап томонга ҳаракат қилиш керак. Бу пайтда пастки жағ ва лаблар ҳаракатсиз бўлиши лозим. Лаблар кулги ҳолатда бўлиб, тишлар кўриниб туради. Юқорида айтилган ҳолатларнинг барчасини тарбиячи назорат қилиб бориши даркор.

«Отлар».

Мақсад: Тил учини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар кетма-кет турадилар. Тарбиячининг «кетдик» дейиши билан болалар бир-бирларини кетларидан юриб, отларнинг туёқ товушини акс эттириш учун тил учи билан шақиллатадилар ва белгиланган жойга келиб тўхтайдилар. Тарбиячи шундай дейди: «Энди кимнинг оти туёғи билан яхши тақиллата олишини текширамыз». Тарбиячи икки болани чиқариб, қарама-қарши томондан бир-бири томон юришни (Худди отнинг юришидек) таклиф этади. Қолган болалар от туёғининг тақиллашига қулоқ солиб турадилар. Шундай қилиб, болалар навбатма-навбат бу машқни бажарадилар.

Методик кўрсатма: Тил учини юқорига тўғри кўтариш керак. Агар бола тил учи билан туртишни билмаса, бундай бола билан алоҳида иш олиб бориш зарур.

Алоҳида иш олиб борилганда қуйидаги машқни бажартириш мумкин. Тилнинг учига сариёғнинг кичкинагина бўлакчаси дейилади ва боладан бу ёғни танглайга олиб бориб суриш таклиф этилади.

«Бекинмачок»

Мақсад: Тил учини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар стулчаларида тарбиячига қараб ўтирадилар. Тарбиячи болаларга: «Ҳозир биз бекинмачок ўйинини ўйнаймиз, лекин бизлар бекинмаймиз, балки бизнинг тилчамиз бекинади. Қаранглар, менинг тилчам қандай яширинади, сизлар уни хатто кўра олмайсизлар (тилини беркитади). Болалар оғзингизни шундай очинг-ки, тилингиз пастки тишлар устида турсин, энди тилингизни ичкарироққа яширинг, лекин оғзингизни ёпманг.

Методик кўрсатма: Болалар тинч ўтиришлари ва гавдаларини тўғри тутишлари керак. Болалар тилни орқага сўрганларида оғизларини ёпмасликлари лозим. Тил учи доимо пастда бўлиши керак.

«Тишларимизни яширамыз».

Мақсад: Лаб ҳаракатини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар тарбиячига қараб ўтиришади: «Қаранглар, мен юқориги тишларимни кўрсата оламан (кўрсатади). Энди юқориги тишларимиз кўришмаслиги учун уни юқориги лабимиз билан яширамыз. Тишларим кўриняптими? Болалар, юқориги тишларимизни мана бундай қилиб кўрсатинг. Энди тишларингизни яширинг. Уларни лабларимиз билан яширамыз. Тишлар кўринмаяпти».

Методик кўрсатма: Болалар тинч ўтиришлари лозим. Юқориги лаб билан қилинадиган ҳаракат осойишта, зўриқмай бажарилиши керак. Тишларни бир-бирига жипслаштирмаслик даркор. Юқориги-олдинги тишларини кўрсатиб туриш вақти 4-6 секундгача давом этиши мумкин.

«Чумчуқларни боқиш».

Мақсад: Пастки жағ ҳаракатини фаоллаштиради.

Ўйиннинг бориши: Болалар тарбиячига қараб ўтиришади, тарбиячи эса болаларини овқатлантираётгандай она чумчуқ тасвирланган расмни болаларга кўрсатиб, шундай дейди: «Ҳозир биргалашиб бир ўйин ўйнаймиз. Сизлар чумчуқ бўласизлар, мен эса она чумчуқ бўламан. Она чумчуқ дон олиб келди. Ҳамма чумчуқлар оғизларини очишади. Донни ейишди ва оғизларини ёпишди». Болалар бу ҳаракатни бир неча марта такрорлашади.

Методик кўрсатма: Болалар тинч ўтиришлари, оғизни очиш ва ёпиш вақтида бошларини у ёқ – бу ёққа ташламасдан тўғри тутиб туришлари керак. Оғизни очик ҳолатда саклаб туриш вақти аста ошириб борилади. Аммо у 4-6 секунддан ошмаслиги керак.

«Ким кулишни билади?»

Мақсад: Лаб ҳаракатини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Тарбиячи ўтирган болалардан шундай деб сўрайди: «Ораларингизда ким овоз чиқармасдан кулишни билади? Кулганингизда мен сизнинг овозингизни эшитмай, фақат кулаётганларингизни кўрай. Қаранглар мен қандай куламан («э» товушини ўзича талаффуз этиб, қандай кулиш кераклигини кўрсатади.) Энди болалар, ҳаммамиз биргаликда куламиз». Шундан кейин тарбиячи овозсиз кулиш ҳаракатини яхши бажарган болаларни бир-бир чақириб, бошқа болаларга бу ҳаракатларни намуна тариқасида кўрсатади.

Методик кўрсатма: Тарбиячи болаларнинг енгил кулишини, яъни бурунларини жийирмай, лабларини олдинга ортиқча чўзмай, оғизларини кенг очмай кулишини кузатиб беради.

«Хоккей».

Мақсад: Тил ҳаракатини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Тарбиячи ўтирган болалардан шундай деб сўрайди: «Болалар, хоккей ўйини қандай ўйналишини биласизми? (Тушинтиради). Ҳозир биргаликда хоккей ўйинини ўйнаймиз. Фақат клюшка ўрнида оғзимиздан фойдаланамиз. Энди шайбани (нўхатни) клюшка билан (тилимиз) майдонда (оғзимизда) ҳаракатлантирамиз. (Тарбиячи қандай бажариш кераклигини тушунтириб, кўрсатиб беради)».

«Фокус».

Мақсад: Тилни юқорига кўтариш ва ҳаво оқимини тилнинг ўрта қисмига юборишга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Жилмайиш, оғизни сал очиб, тилнинг олдинги кенг қиррасини юқориги лабга қўйиш, тилнинг чекка қирралари оғиз бурчагига тегиб турсин. Тилнинг ўрта қисмида эса кичкина тарновча ҳосил бўлсин ва шундай ҳолатда бурун учига қўйилган пахта пуфлаб туширилсин. Агарда ҳаво оқими тилнинг ўртасидан ўтса, у вақтда пахта юқорига қараб учади.

Методик кўрсатма:

1. Пастки жағ ҳаракатсиз бўлсин.
2. Тилнинг ён қирралари юқориги лабларга тегиб турсин.
3. Пастки лаб қийшаймасин ва пастки тишларга тегмасин.

«Итоатсиз тилни жазолаш».

Мақсад: Тил мускулларининг бўшашишига ёрдам бериш.

Ўйиннинг бориши: Бу машқ қуйидагича ўтказилади: тилни кенг ва тинч ҳолатда бўлиши учун оғизни бир оз очиб, тилни секингина пастки лабга қўйиб, «юқориги лаб билан тилни «пя-пя-пя» деб шақиллатиш керак. Бирдан бешгача ёки унгача санагунча оғизни очиб, кенг тилни тинч ҳолатда ушлаб туриш керак».

Методик кўрсатма: Пастки лаб иложи борица бурилиб кетмаслиги ва пастки тишларга тегмаслиги керак.

Агарда машқ тўғри бажарилаётган бўлса, пахта бир томонга оғади.

«Ким яхшироқ найча қилади?».

Мақсад: Лаб ҳаракатларини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар ярим доира шаклида ўтиришади. Тарбиячи болаларга найча тасвири чизилган расмни кўрсатиб, уларга лабларни олдинга чўзиб, найча қилишни таклиф этади. «Қаранглар болалар, мен қандай қилиб найча ҳосил қиламан», деб лабларини олдинга чўзиб кўрсатади. Тарбиячи «Найча қиламиз» дейиши билан болалар лабларини олдинга чўзадилар, «Найча чалишдан тўхтаймиз» дейиши билан эса болалар лабларини олдинги ҳолатига қайтараядилар.

Методик кўрсатма: Лаб ҳаракатлари вазмин ва ҳеч қандай куч талаб қилмаслиги керак. Бола лабларини олдинга чўзаркан, оғиз очилмаслиги ва пастки жағини олдинга чиқармаслиги керак. Буни тарбиячи доимо эътибор билан кузатиб бориши лозим.

«Лаблар думалоқ, худди тешиккулчага ўхшаш».

Мақсад: Лаб ҳаракатини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Тарбиячи болаларга тешиккулча тасвирланган расмини кўрсатади ва шундай дейди: «Болалар ким лабини худди тешиккулчага ўхшатиб, думалоқ шаклга келтира олади. Мака бундай қилиб (кўрсатади). Лаблар думалоқ бўлиши учун тарбиячи «О» товушини талаффуз этиб кўрсатади. Тарбиячи навбат билан бир неча болани чақириб машқни бажаришни таклиф қилади. Сўнгра ҳамма болаларга лабларини думалоқ шаклга келтиришни таклиф этади».

Методик кўрсатма: Тарбиячи болалар машқни зўриқмасдан бажаришларини кузатади. Оғиз очикроқ бўлади.

«Қувноқ тилча».

Мақсад: Тил ҳаракатини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар стулчаларида тарбиячига қараб ўтирадилар. Тарбиячи болаларга шундай дейди: «Ҳозир мен сизларга бир қизиқ воқеани айтиб бераман. Тўғри ўтириб, ҳаммангиз диққат билан қулоқ солинглар. Бир тилча бор экан. У ўз уйида яшар экан. Бир куни уйғониб, кўчага чиқмоқчи бўлибди (тил оғиздан чиқарилади) қуёш бормикан, деб юқорига қарабди (тил учи юқорига кўтарилади) кейин кўлмакча бормикан, деб пастга қарабди (тил учи пастга тушади). Тилчага кўча ёқиб қолибди ва айлангиси келиб қолибди (тил учи юқорига, пастга, чапга, ўнга ҳаракатлантирилади). Тилча чарчаб қолибди. Куч тўплаш учун сут ичмоқчи бўлибди. Сутни мушукка ўхшаб ичибди (тил билан ялаш ҳаракати бажарилади). Тилчанинг қорини тўйибди. Лекин лабларида сут юқини ялабди.

Аввал юқори кейин пастки лабларини тозалабди (юқориги ва пастки лаблар яланади). Кейин юқориги ва пастки тишларини ҳам шу тартибда тозалабди. Тилчанинг яна яйрагиси келибди. Беланчакни кўриб, унда уча бошлабди (тил гоҳ бурун томонга, гоҳ ияк томонга ҳаракатлантирилади). Беланчада учишдан зерикибди. Энди отда юргиси келиб қолибди (тил учи танглайда шақиллатилади).

Тилча чарчаб қолибди. У уйига кириб, эшикларини ёпиб ухлабди. (Тил оғиз ичига тортилиб, оғиз ёпилади)».

Фонематик идрокни ривожлантиришга қаратилган ўйинлар.

Фонетик-фонематик нутқ камчилигига эга бўлган болаларнинг оғзаки нутқини ўрганиш шуни кўрсатадики, уларнинг нутқи кундалик мулоқот эҳтиёжларини қондиради. Уларнинг талаффузида нутқнинг лексик-грамматик қаторида қўпол бузилишлар кузатилмайди. Бу болалар учун фонематик идрокнинг шаклланиш жараёни тугалланмаганлиги хосдир. Нутқ камчиликлари товушларини нотўғри талаффуз қилиш билан чегараланиб қолмай, шунингдек товушларни етарли фарқламаслик ва сўзни товуш томондан таҳлил ва таркиб қилишдаги қийинчиликлардан ҳам иборат.

Фонематик идрокни ривожлантириш коррекцион-логопедик ишнинг энг асосий йўналишидир. Бу ишлар товушлар таҳлили устидаги иш билан ўзаро боғлиқликда олиб борилади. Шу билан бирга товушлар талаффузидаги камчиликларни бартараф этиш ишларини фонематик идрокни ривожлантиришга қаратилган ишлар билан биргаликда олиб борилгандагина яхши натижаларга эришилади. Қуйида биз, фонематик идрокни ривожлантиришга қаратилган ўйинлардан намуналар келтирамыз.

«Қизил-оқ».

Мақсад: Эшитув идрокини ривожлантириш, сўздаги товушни аниқлаш.

Жиҳоз: Ҳар бир болага 2 тадан доирачалар (қизил ва оқ) берилади.

Ўйиннинг бориши: Логопед, болалардан диққат билан қулоқ солишни ва берилган товуш қайси сўзда иштирок этаётганлигини аниқлашни сўрайди. Агар сўзда товуш иштирок этса, болалар қизил доирачани, агар иштирок этмаса оқ доирачани кўтаришлари керак.

«Товуш қаерда?».

Мақсад: Товушнинг сўздаги ўрнини аниқлаш.

Жиҳоз: Рангли картон қоғоз (картон қоғоз энига чизилган чизиклар билан 3 га бўлинади, фақат кесилмайди) ва фишка (байроқча ёки доирача).

Ўйиннинг бориши: Логопед сўзни талаффуз қилади. Болалар берилган товушнинг сўздаги ўрнини аниқлайдилар. Товуш сўзнинг бошида, ўртасида ёки охирида келганлигига қараб, фишка чизикнинг биринчи, иккинчи ёки учинчи қисмига қўйилади. Бундай ўйин, логопед столида катта формат қоғози билан ёки ҳар бир болага алоҳида картон қоғоз тарқатиб чиққан ҳолда ҳам олиб борилиши мумкин. Болалар аввал, товушнинг сўзни бошида келган ҳолатини, кейин эса сўзнинг охирида келган ҳолатини аниқлайдилар. Буни яхши ўзлаштириб олганларидан кейингина, сўзнинг ўртасида келиши мумкин бўлган ҳолатлар кўриб чиқиладди.

«Ким кўпроқ топади?».

Мақсад: Расм асосида сўздаги берилган товушни аниқлаш.

Жиҳоз: Берилган товуш иштирок этган сўзлар расми тасвирланган сюжетли расм.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга тегишли мавзуга оид сюжетли расм кўрсатади, масалан «Полизда». Болалар расмни диққат билан кўриб чиқадиладди. Логопед болаларга: «Болалар полизда нима теришмоқда?» деган савол билан мурожаат қилади, болалар жавоб берадиладди. Кейин эса «Қайси предметлар номида «Р» товуши (с товуши ва ҳоказо) бор?» кўринишида вазифа топширилади.

Ҳар бир тўғри топилган сўзга доирача берилади. Ким кўпроқ доирача олса, ўша бола қолиб ҳисобланади.

«Балиқ ови».

Мақсад: Луғат бойлигини ошириш, товушнинг сўздаги ўрнини аниқлаш.

Жиҳоз: Металл скрепкалар, предметли расмлар, қоғозли коробка, магнитли қармоқ.. Скрепкалар предметли расмларга ўрнатилади.

Ўйиннинг бориши: Болалар навбат билан қармоқ, ёрдамида предметли расмларни тута бошлайдилар ва номлайдилар. Тегишли товушнинг (масалан «Р» товуши) сўзда бор ёки йўқлигини, сўздаги ўрнини (бошида, охирида, ўртасида) аниқлайдилар. Тўғри жавоб учун очко билан тақдирланади. Очкоси кўп бола қолиб ҳисобланади.

«Ким диққатлироқ?».

Мақсад: Товушларни эшитиб фарқлашга ўргатиш, фонематик идрокни ривожлантириш.

Жиҳоз: Тегишли товушга оид расмлар.

Ўйиннинг бориши: Болалар стол атрофида ўтирадиладди.

Логопед: «Ҳозир сизларга расмлар кўрсатаман ва номини айтаман, сизлар эса диққат билан эшитиб, барча сўзлар учун умумий бўлган товушни топасизлар. Ким топса қўлини кўтариб жавоб беради», деб болаларга ўйиннинг шартини тушунтиради. Кейин логопед расмларни кўрсатиб номлайди. (масалан, с товушидан бошланган сўзларни: стакан, сомса, сумка, супурги, совун). Болалар эса: с товуши, деб жавоб берадиладди.

Логопед: «Тўғри, бу сўзларнинг барчаси с товушидан бошланади. Сўзларни қайта номлаб беринг дейди». Болалар эслаб, уларни номлайдилар. Кейин, ўзлари товушдан

бошланадиган бошқа сўзларни топиб номлашлари керак. Ўйинни мураккаблаштириш мумкин.

«Ким кўпроқ сўз топади?»

Мақсад: Товушларни фарқлашга ўргатиш.

Жихоз: Копток, фишкалар.

Ўйиннинг бориши: Логопед бирор товушни айтади ва болалардан ушбу товушга оид сўз топиш кераклигини сўрайди. Кейин болалар доира шаклида турадилар. Иштирокчилардан биттаси коптокни бирорта болага қарата улоқтиради. Коптокни илиб олган бола товуш иштирокидаги бирорта сўзни айтиши керак. Жавоб берган болага фишка берилади. Жавоб беролмаган ёки айтилган сўзни қайтарган болага фишка берилмайди. Голиб фишкалар сонига қараб аниқланади.

Сирғалувчи ва шовқинли товушларни шакллантиришда қўлланиладиган ўйинлар.

Товушлар талаффузини бузилиши асосан артикуляцион жиҳатдан талаффуз қилиш қийин бўлган товушларда кузатилади. Шундай товушлар каторига сирғалувчи ва шовқинли товушлар киради.

Бу товушлардаги камчиликларни бартараф этиш ишларини болалар учун қизиқарли бўлган ўйин фаолияти билан боғлаб ўтиш орқали, коррекциялаш ишининг самарадорлиги ошади.

Қуйида келтирилган ўйинлар сирғалувчи ва шовқинли товушларни шакллантиришга қаратилган.

«Насос».

Мақсад: Болаларга «С» товушини тўғри талаффуз этишини ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар стулчаларда ўтиришади. Тарбиячи болаларга шундай дейди: - Ҳозир биз велосипедда сайр қиламиз. Велосипедда сайр қилишдан аввал унинг камерасига ҳаво дамланганми ёки йўқми шуни текшираамиз. Велосипед узоқ вақтгача минилмаганлиги сабабали камераси бир оз бўшаб қолибди. Унга дам бериш керак. Насос билан камерага ҳаво юборамиз. Насосдан чиқаётган ҳаво С-С-С, деб овоз чиқаради. Болалар аввал бирма-бир, сўнгра биргаликда насос ҳаракатига таклид қилиб, камерага дам урадилар. Камерага дам бериш вақтида С-С-С товушини чўзиброк этадилар.

Методик кўрсатма: Болалар С товушини тўғри талаффуз ишлари учун лаб, тил ҳолати ва ҳаво оқимининг тил ўртасидан ишига эътибор бериб бориш зарур.

«Арракашлар».

Мақсад: Болаларга 3 товушини тўғри талаффуз этишни ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар икки гуруҳга бўлиниб, юзма-юз туриб оладилар. Қўлларини «крест» ҳолида кесиштириб оладилар. Ёғочни аррада кесиш ҳаракатини бажариб туриб, 3 товушини чўзиб талаффуз қиладилар. 3 товушини нотўғри талаффуз қилган болалар ўйиндан чиқади. Тарбиячи бу боладан алоҳида 3 товушини талаффуз қилишни сўрайди.

«Бўрон».

Мақсад: 3 товушини мустаҳкамлаш.

Ўйиннинг бориши: Болалар довулни тасвирлайдилар. Тарбиячининг имоси билан болалар 3 товушини аввал паст овозда, кейин баланд овозда, кейин яна паст овозда талаффуз қиладилар.

Ўйинни аввал ойна қаршисида олиб бориш ҳам мумкин.

Методик кўрсатма: Ҳар бир бола учун товушни чўзиб туриш вақти 5-10 секунд атрофида бўлиши керак.

«Разведкачилар».

Мақсад: Болаларни Ц товушини сўзларда тўғри талаффуз этишга ўртатиш.

Ўйиннинг бориши: Тарбиячи болаларга расмларни кўрсатади, болалар расмларнинг номларини айтадилар. Сўнгра тарбиячи разведкачиларни танлайди. Разведкачилар хонадан чиқиб турадилар. Тарбиячи қолган болалар билан расмларни хонанинг турли бурчакларига яшириб чиқади. Разведкачилар келиб, расм яширилган жойни кидирадилар ва топиб олган расмларни болаларга кўрсатиб, унинг номини айтадилар. Сўнгра болалар роль алмашадилар.

Методик кўрсатма: Нарсаларнинг номини айтаётганда Ц товушини аниқ талаффуз этишлари керак. Ц товушини чўзиб талаффуз этмаслик лозим. Акс ҳолда Ц товуш С товуши бўлиб эшитилади.

«Шар ёрилди».

Мақсад: Болаларга Ш товушини нутқда тўғри талаффуз этиришни машқ қилдириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар қўл ушлашиб зич доира ҳосил қилиб турадилар. Тарбиячининг «шаримизни шиширамыз» дейиши билан худди шарни шишираётгандай болалар доираси кенгаяди.

Тарбиячининг «шар ёриляпти» деб чапак чалиши билан болалар қўлларини ёндан пастга туширадилар ва Ш товушини талаффуз этадилар.

«Ўргимчак туридаги пашшалар».

Мақсад: Ж товушини тўғри талаффуз этиришга эришига.

Ўйиннинг бориши: Болаларнинг бир қисми ўргимчак турини тасвирлайди, қўлларини туширган ҳолда доира бўлиб туриб оладилар. Болаларнинг қолган қисми пашшалар бўлиб, «Ж-Ж-Ж» деган ҳолда, доира ичида ва атрофида учиб юрадилар.

Тарбиячининг ишораси билан, доирадаги болалар қўлларини ушлаб олган ҳолда ўргимчак тўрини ҳосил қиладилар. Доирадан чиқишга улгурмаган болалар тўрга илинган ҳисобланиб, ўйиндан чиқиб кетади.

Пашшаларнинг барчаси тутиб бўлинмагунча, ўйин шу тариқа давом этади. Кейин эса роллар алмаштирилади.

«Р», «Л» товушларидаги камчиликларни бартараф этиш жараёнида қўлланиладиган ўйинлар.

Болалар учун артикуляцион жиҳатдан талаффуз қилиш қийин бўлган товушлардан яна бири бу сонор (р, л) товушлари ҳисобланади.

Бу товушларнинг аниқ талаффузига баъзан тақлид усули орқали ҳам эришиш мумкин.

Қуйида, тақлид усулида фойдаланган ҳолда р, л товушларидаги камчиликларни бартараф этиш жараёнида қўлланиладиган ўйинлардан намуналар келтирилади.

«Рубоб чаламиз».

Мақсад: Болаларнинг Л товушини тўғри талаффуз этишларига эришиш.

Ўйиннинг бориши: Тарбиячи болаларга: «Ҳозир сизлар оркестр бўласизлар. Оркестрда кўп мусиқа асбоблари чалинди. Сизлар рубоб чаласизлар», деб рубобни қандай ушлаб чалиш кераклигини кўрсатади (чап қўли билан худди рубобнинг пардасини ушлаётгандек, ўнг қўли билан эса торни чертаётгандек ҳаракат қилиб «ла-ла-ла», деб айтади). Тарбиячининг ишораси билан ҳамма болалар рубоб чаладилар.

«Параход».

Мақсад: Л товушининг тўғри талаффузига эришиш.

Ўйиннинг бориши: Тарбиячи шундай дейди: «Болалар ҳозир ҳаммамиз параходга тушиб сайр қилгани борамиз. Сизлар параход қандай овоз беришини биласизларми. Эшитинглар: и-и-и. . . Параход қандай гудок беришини биргаликда такрорлаймиз.

Энди кенг тилни тишлар оралиғига кўйинг, уни секингина тишланг ва параходнинг гудок чалишини бажариб кўрсатинг». Болалар бу ҳаракатни бажарадилар, тишлар оралиғида Л товуши ҳосил бўлади.

Тарбиячи ва болалар бу машқни кетма-кет такрорлайдилар.

Методик кўрсатма: Болаларга энг баланд масофада учиб кетаётган самолётнинг овози Л товушига ўхшаш эканлигини эслатиб ўтиш лозим.

«Отлар».

Мақсад: Болаларнинг Р товушини тўғри талаффуз этишларига эришиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар уч гуруҳга бўлинадилар. Биринчи гуруҳ болалари эса отлар бўлишади. Отларни тасвирловчи болалар иккитадан бўлиб, қўл ушлашиб, (қўлларини солиштириб) турадилар.

Отлар ҳайдовчининг бошқаруви остида отлардек югурадилар. Тарбиячининг буйруғига биноан ҳайдовчи отларни «тррр...» деб тўхтатади. Сўнгра болалар рол алмашадилар.

Методик кўрсатма: р товушининг артикуляцияси болаларга тушунтирилади.

«Қарғалар».

Мақсад: Болаларни Р товушини нутқда тўғри талаффуз этишлари устида машқ қилдириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар уч гуруҳга бўлинадилар. Биринчи гуруҳ болалари арчаларни тасвирлаб гулларини пастга туширган ҳолда доира ўртасида турадилар ва шундай дедилар: «ланди-ланди ўйинимиз бошланди ва яшил арча тагида қарғалар қағиллашмоқда».

Иккинчи гуруҳ болалари: Қарғалар бўлиб доира ичига сакраб-сакраб киришади ва «қар-қар-қар...» деб қағиллашади.

Биринчи гуруҳ болалари шундай дейдилар: «пўчоқ учун урушдилар, томоқларин киришдилар».

Иккинчи гуруҳ болалари – «қарғалар» доира ичида туриб «қар-қар-сувлар тезда оқар» - деб тез-тез қағиллашади.

Биринчи гуруҳ болалари – «қарғалар», «югуришди тоз итлар, учиб кетди қарғалар, кўниб дарахт шоҳига қар-қар-қар деб қариллашар», - деб айтишлари билан учинчи гуруҳ болалари (итларни тасвирловчи) доирага «р-р-р...» деб ирриллаб югуриб кетар вовуллаб, югуриб кирадилар ва қарғаларнинг кетидан кувадилар.

Қарғалар (олдиндан белгилаб кўйилган жойга) «инларига» учиб кетишади. Ушланган қарғалар итлар билан бирга қайтишади ва махсус жойга қамаб кўйилади. Ўйин то икки-учта чакқон қарға келиб қамалган қарғаларни кутқармагунча давом этади. Сўнгра болалар роль алмашадилар. Ўйин яна давом этади.

Методик кўрсатма: Болалар сўзларини баланд овозда, аниқ мазмунли гапиришлари керак.

Тил орқа (к, г, х, й) товушлардаги камчиликларни бартараф этиш жараёнида қўлланиладиган ўйинлар.

Артикуляцион жиҳатдан талаффуз қилиш қийин бўлган товушларнинг қолган турига тил орқа (к, г, х, й) товушлари киради.

Тил орқа товушларининг аниқ талаффузини ҳосил қилишда, асосан механик усулдан кенг фойдаланилади. Бу товушларни ҳосил қилишда тақлид усулидан унумли фойдаланиш яхши натижа беради. Қуйида келтирилган ўйинлар тақлид қилиш усули орқали тил товушларидаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган.

«Нима қандай қичқиради?».

Мақсад: Товушларга тақлид қилишда К товушини аниқ ва тўғри талаффуз этиш.

Ўйиннинг бориши: Тарбиячи болаларга мурожаат этиб шундай дейди: «Эсингиздами, болалар, биз сизлар билан ўрмонга сайрга борган эдик. Бизлар сайрга отландик, йўлда кетаётиб, катта полиз ёнидан чиқиб қолдик. Қарасак, чумчуқлар полиздаги кунгабоқарларни чуқишяпти, уларни болалар ҳайдаб юборишди. Сизлар чумчуқларни ҳайдаб юборган эдингиз?» («киш-киш»).

Биз ўрмонга етиб бордик. У ер жуда ҳам чиройли эди, гуллар тера бошладик. Бирданига какку сайрай бошлади: «ку-ку, ку-ку...». Какку қандай сайрайди? (ку-ку, ку-ку). Кўп гуллар териб орқамизга қайтдик. Ариқ бўйидан ўтдик. Қурбақа қандай қуриллади? (Ква-ква-ква).

Методик кўрсатма: Товушларга тақлид қилишда К товушини аниқ талаффуз этиш лозим. К товушини овоз кучи билан ажратиш керак.

«Телефон».

Мақсад: Болаларни Г товуши билан келадиган сўзларни аниқ ва тўғри талаффуз этишга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар стулчаларида бир қатор бўлиб ўтиришади. Тарбиячи биринчи бўлиб ўтирган болага сўзни пичирлаб айтади. У ҳам сўзни ёнидаги болага шипшитиб айтади. Шу тариқа, айтилган сўзни бир-бирларига пичирлаб айтадилар. Сўнгра сўзни биринчи бўлиб айтган бола қаторнинг охирига бориб ўтиради. Болалар охириги сўзни айтиб бўлганларидан кейин уларга тарбиячи расм бўйича кичкина гап тузишни тақлиф этиши мумкин.

Методик кўрсатма: «Телефон» ўйинини ўйнаганда болалар сўзни бир-бирига пичирлаб айтадилар.

«Нима етишмайди?».

Мақсад: И товуши билан келадиган бўғин, сўз, гапларни тўғри ва аниқ талаффуз этишга эришиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар стулчаларида ўтиришади. Тарбиячи стол устига майка, лейка, чайка, кўй, йўлбарс, ой, той, трамвай, сой расмларини ёки ўйинчоқларни териб қўяди ва болаларга бу ўйинчоқларни диққат билан кўриб олишни тақлиф этади.

Чақирилган бола эшик орқасида туради. Бошқа бир бола эса ўйинчоқлардан биронтасини яширади, эшик орқасида турган бола келиб қайси ўйинчоқ етишмаслигини айтади.

Шундан кейин тарбиячи, номида И ҳарфи бор бўлган расмларни кўрсатади, болалар уларнинг номларини айтадилар.

Методик кўрсатма: Сўзларни талаффуз этганда И товушини овозда ажратиб талаффуз этиш, А товушини эса чўзиб талаффуз этмаслик лозим.

Товушларни автоматизация ва дифференциация қилиш жараёнида қўлланиладиган ўйинлар.

Нутққа қўйилган товушларни автоматизация ва дифференциация қилиш жараёнлари муҳим аҳамиятга эга.

Бу жараёнларга оид бир турдаги машқлардан қайта-қайта фойдаланиш натижасида болаларнинг логопедик машғулотларга бўлган қизиқишлари йўқолиб боради.

Қизиқарли ўйинлар эса болага хушқайфият ва тетиклик бағишлайди. Демак, бу иборага асосланиб, товушларни автоматизация ва дифференциация қилиш жараёнида ўйинлардан фойдаланиш яхши самара беради, деган фикрга келишимиз мумкин.

Қуйида эса товушларни автоматизация ва дифференциация қилиш жараёнида қўлланиладиган ўйинлардан намуналар келтирамиз.

«Расмларни танла».

Мақсад: С-Ш товушларини бир-биридан фарқлашга ўргатиш.

Ўйинларнинг бориши: Номида С ва Ш товуши бор бўлган расмлар, сўзлар танланади.

Тарбиячи болаларни икки гуруҳга ажратади, биринчи гуруҳ болалари С товуши бор бўлган расмларни танлаб олади. Иккинчи гуруҳ болалари эса Ш товуши бор бўлган расмларни танлайди. Тарбиячининг столи устига расмлар ўнг томони билан тартибли қилиб қўйилган бўлади. Ҳар бир гуруҳдан биттадан чиқиб, ўзларига таълуқли бўлган товуш учун расм олиб, жойларига ўтирадилар. Ҳамма расмларни болалар олиб бўлгандан сўнг, ҳар бир бола ўрнидан туриб, расмларнинг номини айтади.

Расмларни номини айтганда С ёки Ш товушини бошқа товушлардан ажратиб талаффуз этишлари керак.

Қолган болалар расм номини айтаётган бола уни тўғри танлагани ёки йўқми кузатиб борадилар. Сўнгра болаларнинг ўзлари шу товушлар учун сўз ўйлайдилар ва айтадилар.

Тарбиячи С ва Ш товушлари бор бўлган сўзларни айтади, болалар эса бу сўзларни такрорий айтганда С-Ш товушини тўғри талаффуз этишлари керак. Масалан, шоссе, машинист, Шамсия, шерсть ва бошқалар.

Методик кўрсатма: Болалар сўзлардан С ва Ш товушини кўрсатиб, бошқа товушларга нисбатан чўзиброқ талаффуз этишлари С ва Ш товуши қаерда келишини аниқлашлари лозим.

«Топ-чи, менда қайси товуш?».

Мақсад: 3-Ж товушларини бир-биридан фарқлашга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Ўйинларнинг бошқарувчиси тайинланади. Бошқарувчи эшикдан ташқарига чиқиб туриб, қолган болалар номида Ж товуши бор бўлган сўз ўйлаб топадилар. Ўйинни бошқарувчи қайтиб келиб, ҳар қайси боланинг ёнига боради, у кимнинг ёнига борса, шу бола ўйлаган сўзни айтади. Агарда бошқарувчи айтилган сўзлардан Ж товушини эшитса, «ғинғиллайди» агар 3 товушини эшитса, «зизиллайди», деб тушунтиради тарбиячи.

Сўнгра тарбиячи расмларни болаларга тарқатиб чиқади. Ҳар бир бола навбатма-навбат чиқиб, расмни болаларга кўрсатади ва унинг номини билдирувчи сўзда 3 товуши бўлса, уни чивин расми тасвирланган расм полотноси чўнтагига солиб қўяди, агарда Ж товуши бўлса қўнғиз расми тасвирланган расм полотноси чўнтагига солиб қўяди.

Машғулотнинг охирида тарбиячи болаларга бир неча сўзларни айтади ва уни такрорлашларини таклиф қилади: зажигалка, занжир, жазо, жигарранг қўнғиз, ғижжак, Замиранинг сариқ жўжаси бор ва бошқалар.

Методик кўрсатма: Агар бола 3 ёки Ж товуши учун сўз топишда қийналса, тарбиячи ёрдам беради.

«Адашма».

Мақсад: С-3 товушларини бир-биридан фарқлашга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Болаларга иккитадан расм берилади. Биттасида насос тасвирланган, иккинчисида чивин. Насос тасвирланган расмни болалар чап қўлларига оладилар. Чивин тасвирланган расмни эса ўнг қўлларига оладилар. Чивин тасвирланган расмни эса ўнг қўлларига оладилар. Тарбиячи номида С ёки 3 товуши ҳамда бир сўзда С. Ва 3. товуши бо бўлган расмларни болаларга кўрсатади ва номини айтади. Масалан: сабзи, сумка, Юлдуз, газета, сомса ва ҳоказолар.

Агар расмнинг номини билдирувчи сўзларида С товуши бўлса, сўнгра болалар номини билдирувчи сўзда ҳар икки товуш бор бўлган расмларни кўрсатадилар ва С, 3 товушларида қайси бири сўзнинг бошида келаётганлигини айтадилар.

Методик кўрсатма: С ва 3 товушини расмлар орқали такқослаш керак. Машғулот пайтида номида С ва 3 товуши бўлган расмлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Агарда

тарбиячи болаларга бундай расмларни кўрсатмасликлари керак.

кўрсатса, болалар қўлларидаги расмларини

«Ўрмонда сайр».

Мақсад: Ш-Ж товушларини бир-биридан фарқлашга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Хонанинг бир бурчагида болалар туришади, иккинчи бурчагида эса икки-уч қатор стулчалар қўйилган бўлиб, булар ўрмонни тасвирлайди.

Тарбиячи шундай дейди: «Болалар ҳозир биз ўрмонга сайрга борамиз (ана у стулчалар турган жойга). У ерда ўтириб дам оламиз ва ўрмонда нималар бўлаётганлигини кузатамиз». Болалар жимгина бориб, стулчаларга ўтирадилар.

Тарбиячи: «Ўрмон жуда сокин, шу пайт майин шабада эсиб, дарахтларнинг шохларини тебрата бошлайди. Ўрмон бир зумда шовуллай бошлайди: «ш-ш-ш...». Дарахтнинг шохчалари қандай шовуллайди? (Болалар «ш-ш-ш») Шамол тинди, ўрмон яна тинч.

Ўтлоқда қўнғизларнинг «ж-ж-ж» деб ғинғиллаши эшитилади. Қўнғизлар қандай ғинғиллашади? (Болалар «ж-ж-ж») деб айтадилар. Болалар ўрмонда дам олишиб, кўп гуллар теришиб, уйга қайтишади.

Методик кўрсатма: Болалар Ш-Ж товушларини бир-биридан фарқлашлари учун қўл кафти орқа томонини бўйинга (томоққа) қўйишлари керак. Болаларнинг ҳаммаси бу машқда фаол қатнашишлари ва Ш, Ж товушларини бир-бирига аралаштриб юбормасликларини тарбиячи кузатиб туради.

Нутқни ўстиришда бармоқ машқларидан фойдаланиш.

Боланинг қўл панжаси ва бармоқларини ҳаракатлантириши ўзига хос ривожлантирувчи таъсирга эга.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, қўл ва бармоқлар иштирокидаги ўйинлар тана ва онгнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлайди, мия тизимини зарур ҳолатда тутиб туради.

Қўл, кафт бармоқларни ривожлантиришнинг мия ривожига таъсири катталиги тасдиқланган. Қўлнинг оддий ҳаракатлари билан нафақат қўлнинг балки, лаб, юз мускуллари зўриқишларни сусайтиради, аклий камчиликнинг олдини олади. Шунингдек товуш талафузини яхшилашга ҳам ёрдам беради.

Бармоқларнинг майда ҳаракатлари бўғинлар артикуляциясига ўзига хос таъсир этади. Бармоқлар ривожланиши эвазига мияда нутқнинг равон бўлиши кузатилади.

Бармоқ машқлари нафақат қизиқарли, балки мароқли ҳамдир.

Товушлар талафузидаги камчиликларни бартараф этишда бармоқ, машқларидан фойдаланиш болага комплекс ёндошишга имкон беради.

Бармоқ машқларининг нутқ иштирокида бажарилиши эса кўникмаларнинг шаклланишига ва мустаҳкамланишга ёрдам беради.

Қуйида биз, бармоқ машқларидан намуналар келтирамиз.